

Ойгул Турсуновна ШАРИПОВА,
Бухоро давлат университети
Ислом тарихи ва манбашунослиги,
фалсафа кафедраси доценти,
фалсафа фанлари номзоди

АБДУХОЛИҚ ГИЖДУВОНИЙ ТАЪЛИМОТИДА ИНСОНПАРВАРЛИК ХУСУСИЯТЛАРИ

ОСОБЕННОСТИ ГУМАННОСТИ В УЧЕНИИ АБДУХАЛИК ГИЖДУВАНИ

FEATURES OF HUMANITY IN THE TEACHINGS OF ABDUKHALIK GIJDUVANI

Аннотация: ушбу мақолада тасаввуф таълимотидаги хожাগон - нақшбандия тариқатининг асосчиси Абдухолиқ Гиждувоний маънавий меросидаги илм, виждон, ватанпарварлик, инсонпарварлик, қалб поклиги, эзгу амаллар, руҳий юксалиш каби ахлоқий фазилатларнинг фалсафий таҳлили ёритилган. Доимо жамиятга хизмат қилиш, уларнинг оғирини енгил қилиш қўлдан келмаса, зарар ҳам келтирмаслик; барчага яхшилик қилиш, хайрли бўлиш йўли билан маънавий-ахлоқий ҳаётни юксалтириш каби гоёлари ифодаланган.

Таянч сўзлар: тасаввуф, тафаккур, илм, виждон, ватанпарварлик, ижтимоий ҳаёт, ахлоқий тарбия, донишмандлик, яхши амал

Аннотация: в данной статье освещается философский анализ таких нравственных качеств, как наука, совесть, патриотизм, гуманизм, чистота души, благородные поступки, духовное восхождение в духовном наследии Абдухалика Гиждувани, основателя суфийского тариката ходжагон-нақшбандия. Выражал такие идеи, как постоянно служить обществу, не причинять вреда, если невозможно облегчить их бремя; делать добро всем, поднимать духовную и нравственную жизнь.

Ключевые слова: суфизм, мышление, наука, честность, патриотизм, социальный жизнь, нравственная зрелость, мудрость, благие поступки

Annotation: This article highlights the philosophical analysis of such moral qualities as science, conscience, patriotism, humanism, purity of soul, noble deeds, spiritual ascent in the spiritual heritage of Abdukhaliq Gijduvani, the founder of the Sufi tariqah of Khojagon-Naqshbandiyya. Expressed ideas such as constantly serving the community, not doing harm if it is impossible to lighten their burden; to do good to everyone, to raise spiritual and moral life.

Key words: Sufism, contemplation, science, honesty, patriotism, social life, moral maturity, wisdom, good deeds.

Мухтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2020 йил 24 январда Олий Мажлисга қилган Мурожаатномада “Жамият – ислохотлар ташаббускори деган гоё кундалик фаолиятимизга чуқурроқ кириши керак” деб таъкидлаб, барча жабҳаларда халқнинг ташаббускор, фаол бўлиши лозимлигига эътиборни қаратадилар. Фаоллик эса илм – маърифат, кенг дунёқараш бўлган жойда намоён бўлади.

Шу маънода олганда инсоният тафаккурининг бой маънавий мероси ҳисобланган тасаввуф ва унинг ижтимоий фаолликка ундаши билан бошқа тариқатлар орасида жаҳоний аҳмиятга эга бўлган хожাগон – нақшбандия тариқатига бўлган муносабат ўзига хос ўринга эгадир. Президентимизнинг 2017 йил 11 июлдаги “Абдухолиқ Гиждувоний таваллудининг 915 йиллигини ва Баҳоуддин Нақшбанд таваллудининг 700 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказиш тўғрисида”ги Ф-4988-сонли Фармойишлари шу соҳадаги ишларни сифат жиҳатидан янги босқичини бошлаб берди.

Шу мақсадда тасаввуфий ирфоний таълимотнинг буюк асосчиларидан бири сифатида Хожай Жаҳон Абдухолиқ Гиждувоний таълимотини ўрганиш жуда муҳим аҳамият касб этади. Мутасаввиф таълимотида инсон деган номга муносиб бўлиб ижтимоий ҳаётда фаолият кўрсатиш ҳам диний, ҳам дунёвий нуқтаи назардан фарз эканлигига эътибор берилди.

Хожа Жаҳон ўзидан олдинги барча мутасаввифлар сингари инсон моҳияти ҳақида фикр юргизиш, унинг омукталиги, бир томондан рух, жон ва иккинчи жиҳатдан жисм, жуссадан таркиб топганлигига шубҳа қилмас эди. Рух, жон ёки баъзи мутасаввифларнинг каломи билан

айтганда, нафс одамнинг аслий, ҳақиқий, мангу, илоҳий, абадий томони бўлиб, у инсоннинг жисмий томонидан бир қанча белгилари, сифатлари билан фарқ қилади. Инсоннинг руҳи ёки нафси маънавийдир. Мутасаввифлар инсон руҳи, нафаси, жонини эса руҳий қалб ҳам деб айтадилар. Мутасаввифлар шу жумладан мўътабар сўфий Хўжа Жаҳон, ақидаларича инсон ҳам “кичик олам”-“олами асгар” ва ҳам “буюк олам”-“олами акбар”. Кичик олам сифатида инсон ўзидан пастки барча оламлар: ноорганик олам, ўсимликлар олами, ҳайвонлар оламининг кичик тарздаги мужассамидир, зероки пастки табақа оламларнинг барча жисмий ва маънавий хусусият ва сифатлари инсонда кузатилади. Табиий оламдаги барча унсуротлар инсон жисми жасадида мавжуд, тирик ўсимликларга тааллуқли бўлган барча хусусиятлар ҳам: модда алмашинуви, ўсиш, ўзгариш, кўпайиш инсонда мавжуд. Шу жиҳатдан инсон ўзидан илгари муқаддам барча оламлар тараққиёти ривожланишининг якунидир. Бундан ташқари, инсон ақл, заковат, кучли ирода, ҳиссиёт, сезгилар, нутқ соҳиби ҳамдир. Руҳий, маънавий жиҳатдан инсон ниҳоясиз. Унинг руҳий нафси ҳеч бир жиҳатдан чегараланмаган. Чегарасиз инсон руҳияти моддий оламда кузатиладиган фазо, макон ва вақтга боғлиқ эмас. Абдуҳолиқ Ғиждувоний айтганларки, инсон учун энг мушкул, қийин, мураккаб иш ўзни билишдир. Одам ўзини билиб олса, шартли равишдаги ўзга томон-олам, Худони билиб олади.

Инсон руҳи жиҳатдан боқий яшаш учун бу дунёдаги ҳаётдан фойдаланиши лозим, маънавий жиҳатдан юксалиши, тараққий этиши лозим. Бунинг учун эса, хўжагон аҳлининг айтишларича хилват, ҳоли, кимсасиз жойда яшаш эмас, жамиятда бўлиб, покланиш, софланиш воситаси билан руҳий бойлик, мангу ҳаётга ўтиш мумкин. Увайсий асроршунос Хўжа Жаҳон деярлик ҳамма рисоаларида барча мусулмонларнинг вазифаси барча инсонларга, айниқса, бева-бечораларга меҳрибонлик қилиш, муҳтожларга ҳар томонлама кўмаклашиш, уларнинг оғир ҳаётини енгиллаштиришга ўз мурид шогирдлари, издошларини даъват этган, ожизу заифларга шафқатли, ғамхўр бўлишга чақирганлар. Ғиждувоний фикрича ҳақиқий тақводор пок шахс ўз ҳаётида эҳсонли бўлишни, яшашида яхшилик қилишни, хайрли аъмолни содир этишни ўз олдига асосий маънавий-ахлоқий мақсад қилиб қўймоғи

лозим. Хожа Жаҳон Абдуҳолиқ Ғиждувоний томонидан айtilган инсонпарварлик ғоялари, улуғ ҳикматлари ҳаёт қонуни ҳисобланади. “Ёмонларга ҳам яхши муносабатда бўлиш”, “доимо халққа хизмат қилиш, уларнинг оғирини енгил қилиш қўлдан келмаса, зарар ҳам келтирмаслик” каби ўғитлар берилади. Неча-неча минг йиллар давомида инсоният томонидан қабул қилинган “Одамлар сенга қандай муносабатда бўлишларини хоҳласанг, сен ҳам уларга шундай муносабатда бўл”, “сен ўзингга нимани раво кўрмасанг, бировларга ҳам шуни раво кўрма” дейилган ахлоқнинг “олтин қоидаси” улуғ ориф ҳикматларида ўз аксини топгандир. Барчага яхшилик қилиш, хайрли амолли бўлиш йўли билан маънавий-ахлоқий ҳаётни юксалтириш, ҳақиқий инсоний ҳаёт даражасига етиш мумкиндир.

Мутасаввиф таълимотида ёшларга энг биринчи вазифа сифатида илм олиш лозимлиги таъкидланади. Зеро, киши илм билан ўз олдига қўйган барча эзгу мақсадларига эришади. Қуръони Каримда илмли билан илмсиз ҳеч вақт баробар бўла олмаслиги, илм излашдан бир қадам ҳам узоқлашмаслик, ҳадис илмини ўрганиш, ота-онага, устозларга ҳурмат, катта-ю кичикка иззатда бўлиш, меҳнатсеварлик, ватанпарварлик, ботиний-зоҳирий пок бўлиш, ҳалол меҳнат билан яшаш, доимо яхшилар билан бўлиш, солиқ ишларни амалга ошириш, ҳамда одобли ахлоқли бўлиш, ёмонларга ёмонлик билан жавоб бермаслик, уларнинг ёмонлиги ўзи учун берилган жазо эканлигини тушуниш, ақлга мувофиқ иш тутиш, хайрли бўлиш, илм олиш фарзлиги, ўзгаларга нисбатан меҳрибонлик, дўстлик, иймон, ижтимоий ҳаёт қонуниятларига риоя этишга даъват этилади. Тасаввуф аҳли дунёвий ва шариат илмларини “зоҳирий илмлар” деб атаганлар. Маърифат “ботиний илм” деб юритилган. Тасаввуф аҳли зоҳирий билимни Тангрини билишнинг биринчи босқичи, дейдилар. Аллоҳни билиш дунёни билишдан бошланиши керак. Чунки, дунё-Тангрининг ижоди, унинг сифатлари, қудратини намоён этиб турадиган кўзгу. Хўжаи Жаҳон Абдуҳолиқ Ғиждувонийдан “Маърифатнинг камоли нимада?”-деб сўраганларида, у киши куйидагича жавоб беради: “Худованд сенга кўз берди-кўриш қувватини ато этди. У тил берди ва ширин сўзлашиш қудратини ато этди. Улардан тўғри фойдаланиш, саодатга элтишга сабаб бўлади, уларни нотўғри гуноҳ йўлида ишлатиш эса, шақоват-яъни бахтсизликни келтириб

чиқаради. Шу юқоридаги латоифларнинг тўғри, Ҳақ йўлида ишлаши инсонда комил маърифат борлигидан дарак беради. Маърифатнинг чегараси нафси бошқариш ва бунинг тадбири ҳалол нарсалардангина баҳраманд бўлмоқни одат қилмоқдур” [3:17], - дейди. Доимо андишали бўлиб, ҳамма ишни фикр билан қилиш керак. Шунингдек, Хўжа Абдуҳолиқ Гиждувоний биродарликка қабул қилинаётган кишига қўйиладиган бешта талаб, ҳислатнинг иккинчиси - илми дунё ишларидан юқори қўядиган бўлиши керак. Ўз илмини бойитиб боришга ҳамиша вақтни топиши керак. Ҳар бир қиладиган ишнинг илмини билиши лозим. Инсоннинг камолга етишида илм асосий омил эканлигини таъкидлаб, Гиждувоний илм ва маърифатнинг қадрини доимо баланд тутишни таъкидлаган. Мутасаввиф диннинг тараққиётида фаннинг ролини билган ва ботиннинг камол топишида зоҳирий илмлар - илми қолнинг ўрнини муҳим деган.

Гиждувоний ўғитларига амал қилиб, таълимотларини давом эттирган мўътабар сўфий Ориф ар Ревгарий ўзининг “Орифнома” асарида “Ориф эмас ул кишиким, илм ва маърифатни пулдор, дунёпараст ва бадавлат одамлар олдида “дастурхон”, бозор, балки хор айлағай!” [6:4] , деб илмнинг қадрини пастга урувчилардан норози бўлади. Абдуҳолиқ Гиждувоний илми бағоят теран ва ҳар томонлама ўрганишга даъват қилади, илм амалга ҳаётӣ. Ҳар қандай амални қалбдан, ихлос билан адо этиш кераклигини қуйидаги ўғитларларида таъкидлайди. “Ислом асоси уч нарсадандур: биринчиси; ҳар тоате ибодатким айларсиз-анинг илмидан воқиф бўлинг!, иккинчиси; ҳар илмники ўрганибсиз-унга амал қилинг! учинчиси, ҳар амалники этгайсиз-сидку ихлос билан этинг!”

Шунингдек, Хўжаи Жаҳоннинг илми юксак кадрлашларини устозлари Юсуф Ҳамадоний ҳақида гапирганларида, у кишининг ҳам илм тарғиботчиси эканликларини фахр билан тилга олади.

Мутасаввиф таълимотида Ҳолиқ ризолигини олиш учун яхши хулқ атворли бўлишга даъват этади. Яхши хулқ атворлилик бу-ҳақиқий инсонийлик, олийжаноб, меҳрибон, камтарин, саҳий, ватанпарвар, ҳалол, меҳнатсевар, ор - номусли, дўст, мард ва бошқа фазилатларга эга бўлиш демақдир. Бундай инсон табиийки жамиятга фақатгина наф келтиради, унга зарар етказмайди, оғирини енгил қилади. Худди мана шу жамиятга хизмат этиш, ўша муқаддас

вазифа - Аллоҳга яқинлашишнинг муҳим йўли эканлигини Хўжаи Жаҳон доимо таъкидлайди.

Мутасаввиф доимо ҳар қандай ҳолатда ҳам ақлга мувофиқ иш қўришни таъкидлаган. “Ақлнинг яхшилиги иймондандур. Иймон-юракда Худонинг борлигидир. ҳар бир тоат-иймондур” [6:7а] деб иймон ҳақидаги фикрларни баён этган.

Хўжа Абдуҳолиқ Гиждувоний ҳар бир инсон ҳаётида яшар экан, заррача бўлса ҳам гуноҳ қилмаслиги, агар оз бўлса ҳам бунга йўл қўйса, қалбининг саҳифасини қоронғу қилишини, иймонни камайтиришини таъкидлайдилар. “Ҳар бир гуноҳким иймоннинг қувватини камайтиради. Шайтон васвасаси билан дил қафасида сақланаётган имон куши ташқарига чиқади” [3:166].

Мўътабар шайх “иймон-саодат сармоясидир” дейди. “Сармоя” бош, асос маъносини англатса, демак иймонли инсон бахт саодатга, камолга, етукликка эришади. Иймоннинг ўзи «тил ва дилнинг бирлиги» ва солих амалнинг бошидир. “Кимки бу сармояни қўлга киритмаса, у маҳшар (яъни охират) кунда шарманда бўлади. Иймонлилар бу кун ва охиратни ўйлаб иш қўрадилар. Иймонлилар ҳалол ва ҳаромни биладилар, нимага риоя қилишни ўзларига касб қилиб оладилар” [3:176].

Покликни тасаввуф аҳли биринчи навбатда маънавий-ахлоқий поклик, ёмон ҳислат ва сифатлардан қутулиш ва фақат яхши, хайрли сифатларга эга бўлиш, яшашда, ҳаётда, ўзгаларга яхшилик, дўстона муносабатда бўлиш, деб тушунганлар. Агар киши ҳаётда, бошқалар билан муносабатда ноинсоф, жабру-ситамгар, хирси, нафси мансаби учун ҳар қандай ноодилликни, инсофсизликни, жирканч феълу ҳаракатларни содир этса, шундан кейин ундай одам тоату ибодат билан шуғулланиб, намоз ўқиб, ҳажга бориб ўз гуноҳларини шу йўл билан тузатмоқчи бўлса, покланмоқчи, ювмоқчи бўлса, бундай юзаки, ноҳақиқий эътиқод, ибодатнинг ҳеч қандай фойдаси йўқ, бундай тарзда у ҳақиқий гуноҳсиз бўлиб, дўзахдан қутулиб, жаннатга ета олмайди, у учун шу дунёдаги ҳаётнинг ўзи дўзахга айланади.

Хўжаи Жаҳон ўз муриду шогирдларига, ҳамсуҳбатларига доимо жамиятда эҳсону хайрли иш, амал қилишни таъкидлаган. Ҳатто ёмонлар сенга нисбатан бирон зарарли амал содир этган бўлса ҳам, унга нисбатан раҳмли бўл, зероки унинг ёмонлиги унинг ўзи учун

старли жазодир. Ёмон қилмиши туфайли уни ўз виждони ботиний жиҳатдан қийналади, бундай ҳолатда виждон азобидан қутула олмайди деган. Бу борада Хўжаи жаҳоннинг қуйидаги мисралари диққатга сазовордир:

Гар дар дилат аз касе шиқоят бошад,
Дарди дили ту аз ў бағоят бошад.
Зинҳор ба интиқом машғул машав,
Бадро бади хеш кифоят бошад. [4:7]

Таржимаси:

Агар сенинг кўнглинг бирон кишига нисбатан

шиқоятли бўлса,
Ундан кўнглинг кўп оғриган бўлса,
Зинҳор ундан ўч олишни ўйлама,

Чунки унга унинг ёмонлигининг ўзи кифоядир.

Абдуҳолиқ Ғиждувоний таълимотича бу фоний, ўтар дунёда одамларнинг ҳаётида фаол иштирок этиш, уларни ҳимоя этиш (тоат ибодат билан бирга) - Аллоҳ кўрсатган йўлдан бориш ва унга яқин бўлишнинг асосий йўлларида биридир. Мўътабар инсоншунос Ғиждувоний халқ манфаатлари йўлида хизмат этишга, унинг ҳаётини энгиллаштириш, уни иложи борица ҳар томонлама кўмаклашиш, ёрдамлашишга чакиради. Агар одам бу ишга қодир бўлмаса, ўз юкини халқ устига ташламай, бирор касбни эгаллаб, ҳалол меҳнат билан яшаши керак. “Хожа Абдуҳолиқ Ғиждувоний... айтибдурларки, “халқдин оғирликни кўтармак керак ва бу муяссар бўлмас магар ҳалол касб била. “Даст ба кору, дил ба ёр” деган сўз хўжагон... тариқатларида амри мукаррар (яъни бажарилиши шарт иш) турур”[5:30-31] “Васиятнома”да шунингдек, халққа нисбатан мужодала ҳолатида бўлмаслик, иложи борица кишидан ҳеч нарса талаб этмаслик, ўзга кишига хизмат буюрмаслик, ҳамма факиру бечораларга меҳру-шафқат кўзи билан қараш ва ҳар бир одам, айрим кишиларни паст ҳисобламаслик ва бошқа инсонпарварлик, инсонпарварлик ғоя-фикрлар ўз аксини топгандир.

Улуғ ориф ўзининг инсонпарварлик ғояларини устози Юсуф Ҳамадоний ҳақида ёзган асарларида ҳам баён этади. “Устози Юсуф Ҳамадоний фазилатларини баён эта туриб, маънавий - ахлоқий фазилатлардан бири, каттаю-кичикка бир хил иззат - ҳурматли бўлишга чакиради. Масалан, устозларининг умрларида умуман мол дунё йиғмаганлари, ёмон, бидъатчи, фосик, бенамоз одамларнинг

сухбатида ўтирмаганликлари, бирон кишига ҳам ёмонликни раво кўрмаганликлари, ҳар бир мўминга аввало ўзлари олдин салом берганликлари, ишсиз, дангасаларни ёқтирмасликлари қабиларни баён этган. Айниқса, устозининг одамларни ирқи, миллати, молу-мулкчилиги, бой камбағаллиги билан ажратмасдан, ўз меҳнати билан, бировларга зарар келтирмасдан яшайдими, шунинг учун ҳурмат қилганликларини ифодалайди. Барча халққа, одамларга дўстона муносабатда бўлганликларини: турк, араб, тожик, яҳудий, қуллар билан маҳалла-мажлисларда суҳбат қуриб, маънавий-ахлоқий масалалар ҳақида ҳалол нима, ҳаром нима, шуларни тушунтирганлар” дейилади[2:17].

“Тил ва дилнинг доимо бир хил бўлиши”, “касбнинг фарзлиги”, “фақирни дўст деб билиш” каби ўғитларини қайта-қайта меҳр билан такрорлаб баён этган. Шу билан солиқларга шу фазилатларни, олийжаноб эканлигини уқтирган. Шундай инсонпарвар, инсондўст киши ҳақиқий инсон бўлиб, Оллоҳнинг марҳаматида сазовор бўлади деган. Демак, Абдуҳолиқ Ғиждувоний маънавий-ахлоқий таълимотининг асосий негизи ҳам шу:

– факиру қашшоқ, камбағаллар, муҳтожларни кўллаб қувватлаш, уларга нисбатан меҳрли, эътиборли бўлиш;

– Оммининг захмату ранжларини, машаққатини энгиллаштиришга ҳаракат қилиш;

– Уззу кун хонақоҳда ўтирмасдан, ҳамиша инсонлар билан бирга бўлиш, жамият ҳаётида фаол бўлишни маслаҳат беради.

Хўжаи Жаҳоннинг “Дари шайхиро банд ва дари ёриро кушой, дари хилватро банд ва дари суҳбатро кушой”, яъни одамлар учун шайхлик эшигини ёпгину, ёрдам эшигини очиш, хилват эшигини ёпиб, суҳбат эшигини очиш деган ўғити чуқур маъноли, мазмунли, юксак маънавий-ахлоқий ғоя ва панду-насихатдир.

Абдуҳолиқ Ғиждувоний ирфоний-тасаввуфий дунёқарашида поклик ҳақидаги қарашлар муҳим ўрин эгаллайди. Бу таълимотда покликни улуғлик сифатида олиб қарайди. Поклик амалий ҳаётда, турмушда меҳнат ва кишилар билан бўлган муносабатда намоён бўлади. Покиза ҳис туйғу инсоннинг маънавиятини шакллантиради. Чунки поклик мазмунида оқиллилик ва эътиқодлилик, шарм ва ҳаё, ор-номус, зийраклик ва фаросатлилик, вафодорлик, ҳалоллик, вазминлик ва

улуғворлик, тежамкорлик, меҳрибонлик каби яхши хислатлар мужассамлашгандир. Покиза ақл инсонни руҳий жиҳатдан юксалтиради. Киши ҳаётида ахлоқий поклик биринчи даражали вазифадир. Чунки ахлоқий поклик ва таъма молпарастликка хирс қўйишга мутлақо зиддир.

Шунинг учун Хўжаи Жаҳон таълимотича, ҳар бир инсоннинг энг биринчи вазифаси, бурчи маънавий ахлоқий покликдир. Унда шахс софликни яшаш қондаси қилиб қўйиши лозимлиги таъкидланади. Ана шу поклик моҳиятини “Васиятнома” номли асарида қуйидагича ифодалайди:

Покиза хисол боши андар ҳама ҳол,
Ки зи хислати покиза-ки шуд аҳли камол.
Бехтар зи ризогии ҳақ чи ёбад банда,
Рози аст Худо аз марди покиза хисол. [1:17a]
Таржимаси:

Ҳар қандай ҳолда покиза бўлсанг,
Камолот аҳлининг юксак даражаси ҳам шундадир.

Бандага Ҳақнинг ризолигидан ортиқ нарса йўқдир,

Худо ҳам покиза хислатли марддан розидир.

Яхшиликларни ҳеч нарса талаб қилмасдан қиладиган инсонлар бировлар учун доимо эзгу ишларни бажарадилар. Уларга доимо мададор бўладилар, бировларнинг ташвишлари билан яшаб, доимо бир савоб ишни бажаришга ҳаракат қиладилар. Бу эса ҳақиқий ахлоқий сифатдир. Уни пок, холис, ҳақиқий яхшилик дейиш мумкин. Бундай кишиларни покиза, ахлоқий пок инсонлар деймиз. Уларнинг қалби мангу, ўлмас, абадий, ҳар қандай салбий сифат ва хусусиятлардан ҳолидир. Мўътабар шайх Хўжаи Жаҳон шундай кишиларни “ҳар қандай ҳолатда ҳам покиза инсонлар” дейди. Ана шундай хислатли кишиларгина “камолотга” етишадилар. Хўжаи Жаҳон “камолот аҳлининг юксак даражаси покизалик хислатидир” деб уқтиради. Ҳақиқий инсонлар ҳаётларида доимо ҳақиқатга эришиш учун ҳаракат қиладилар. Бундай ҳаракатнинг маъноси таркидунёчилик эмас, табиат ато этган ақл идрок, фаҳм фаросат билан, ҳам диний ирфон, ҳам ҷамиятда, оилада, кишилар орасида ҳамжиҳатлик, бахтли саодатли ниҳоятда покиза ҳаётни қуриш, хайрли, савобли, ишлар қолдириш, яхшилик, эзгуликни кўпайтириб, ярамаслик, ёвузликка барҳам бериш, ватан учун фидокорлик қабилардир.

Шундай ҳаёт кечирган тақдирдагина инсон Тангри ризолигига эришади. Шунинг

учун Хўжаи Жаҳон “Бандага эса Ҳақнинг розилигидан ортиқ нарса йўқдир. Худо ҳам покиза хислатли марддан розидир” дейди. “Мард” сўзи кенг маънода – ҳақиқий инсон ахлоқий сифатга эга кишини билдиради. Инсон ҳаётда ана шу “мардлик” даражасига етгунча, ҳар хил воқеаларни бошидан кечиради. Ҳаётдаги ташвишли ҳолатлар инсонни “ғафлат” дан уйғотади. У гуноҳларини англай бориб, ўзини англай бошлаб, зоҳиран ва ботинан покланади. Шу тариқа ҳақиқий инсонийлик сифатларига эга бўлади ва мардлик мақомига етади. Мардлик мақомига етган шахс маънавий ахлоқий жиҳатидан юксалади. Яъни руҳий юксакликка эришади. Рух бу курашда моддийликни-жисмни ўзига бўйсундириб, илоҳий маърифатни таниш, Ҳақнинг асрорини билиш учун хизмат қилдира олса, комил инсон бўлади. Тасаввуф аҳлининг таълимотича, Тангри доимо яхшилик хайр этувчи мутлақ вужуд ҳисобланади. Тангри сифатларини ўзида жо этган инсонни олами кабир (катта олам), илоҳий олам ва ўзидан пастги барча оламлар ноорганик, ўсимликлар олами, ҳайвонлар оламининг кичик тарздаги мужассами-олами асғардир. Шу боис инсон ўз маънавий ахлоқий камолоти ила парвардигорга яқинлашади.

Мутасаввифлар, шу жумладан Хўжаи Жаҳон айтишича инсон ўзини билиб олиши учун уни турли саноксиз тубан, пастликка, қуйи жисмоний моддий даражаларга жалб этувчи, тортувчи ахлоқий, ҳиссий, хирсий сифат хусусиятлардан қутулиши ва покланиши, софланиши лозим. Нафсоний, шахватий, ғазабу қахрий, чегарасиз жисмий истаку орзулардан, мансабу лавозимлар, беҳад мулки бойликларга хирс қўйиш, уларни жамғаришдан қутулмаса, ўшаларга булғаниб кетса, ҳеч вақт ўзини ўз ҳақиқати, аслий томонини билиб олишга муяссар бўла олмайди ва унда нафақат ўзи ҳақиқий маънавий шод хурсанд бўла олмайди, ҳатто эл, мамлакат, халқ осойишта руҳий фароғат, роҳатга эриша олмайди. Чунки покланиш йўлида кўндаланг бўлиб турган катта тўсқинлик бу-худбинлик, худпарастлик, беҳад шахсий манфаату истак ва тилакларга берилиш, хирс қўйишдир.

Фақат шахсий манфаат, ғараз истаку тилакларга берилиш одамни муайян маънода нобино этади, у ўзидан бошқа ўзгани кўра олмайди, оқибатида ўзининг аслий, ҳақиқий, илоҳий томонини ўтқинчи, фоний, моддий, жисмий жиҳатдан ажрата олмайди.

Худпараст, худбин шахс: “Мен-бу мен ва ҳеч бир ўзга эмас” қондаси билан яшайди. Худпарастлик, худбинликнинг охир оқибати махсуслик, айримлик сезгиси ҳиссиётнинг сабаби, турли одамлар, гуруҳлар, тоифа, табақалар ўзаро можароларнинг сабаби, бемаъни ғайри дўстий ҳодисалар содирланишининг сабабидир. Агар худбинлик, худпарастлик бўлмаса эди, ҳеч қандай бемаъни манманлик кибру такаббур, рашку ҳасадлик ҳам мавжуд бўлмас эди. Худбин, худпарастлик, тасаввуф аҳлининг таълимоти, қарашларича одамнинг тубан, фардий, жисмий, нафсоний, ҳирсий томони тубан оламини сақлаш, ҳимоялаш, мустаҳкамлашга қаратилган.

“Шунинг учун тасаввуф аҳли, ўз аслини, ҳақиқий, боқий томонини билиб олган улуғвор инсонлар, том маънодаги, Хўжаи Жаҳон сингари, одамлар башариятига ҳидоят этиб, йўл кўрсатиб, тубан чегараси нафсий, шахватий ва бошқа жисмий жасадий тамойил, майллардан қутулиш кераклигини такрор - такрор таъкидлаганлар. Агар одам, Хўжаи Жаҳон айтганидек, тубан, ёмон, шаррий, ҳислат, хусусият, сифатлардан софланилган, тозаланган бўлса, ундай киши барча одамлар билан одоб, ахлоқ жиҳатидан яхши муносабатда бўлиб, одиллик, инсоф юзасидан амал қилади, ёмон кишилар ёмонлигини ҳам тушуна олади, уларга нисбатан раҳмдил, шафқатли бўлиб, уларни хайрли йўлга солишга интилади. Зероки, хайрли одобли, инсофли бўлмасдан туриб, ёмон, шаррий ҳислат, сифатларга ботиб булғаниб кетган киши ўзини абадий, илоҳий, мангу томонини била олмайди.

Хўжаи Жаҳон ва у киши сингари бошқа сўфию шайхлар ўзларининг ҳақиқий, аслий томонларини ноаслий жисмий-жасадий жиҳатларидан айира билганлар. Жисмий жасадий ҳолат вақтинчалигини, аслий ҳақиқий томон учун муайян ҳолат сифатида ўтарлигини яхши англаб олганлар. Шунинг учун аслий томонларини англаган шахслар учун ўлим ваҳимаси йўқ, улар ундан кўркмайдилар. Уларнинг англаганича ўлимни ҳеч қандай фожиавий жиҳати йўқ, улар зероки ўлим киши учун бир ҳолатдан, бир навъ яшаш тарзидан иккинчи ҳолат, иккинчи хил яшаш тарзига ўтишдир, жисмоний жасадий ўлим абадий рух, жон мавжудлик тарзининг ўзгаришидир.

Шунинг учун Хўжаи Жаҳон “Ҳар доим охирги нафасга тайёр бўл, яъни ҳар бир нафасни охирги деб ўйла, ҳар ишни ўз вақтида қил-ки,

ғафлат юз тутмасин. Ўлимга тайёрлик-умрни беҳуда ўтказмаслик” деб таъкидлаган [4:19].

“Ўлимдан олдин оқил кишилар оқибатни андиша қиладилар, дунёда яшаш қисқа муддатли ҳолатдир. Шу оз, қисқа муддатнинг ўзи яна қисқа муддатлидир. Шунинг учун одам охиратни ўйлаши керак” [3:17 б].

Бу хос-яъни илоҳий сифатлар билан сифатланган, одамларнинг хусусияти эканлиги, дунёга алданиб унинг ўткинчи зийнатларига учмасликни, нафсга берилиб, жисм-жонга ёмон, разил иллатларни илаштирмасликни, ёмон, фосиқ фикрлардан сақланишни, барчага хизмат қилишни, ҳеч кимга хизмат буюрмасликни, тоатли бўлишни, зоҳир ва ботинни доимо пок тутишни, мансабга интилмасликни, камтарин бўлишни ва доимо Қуръони Карим тиловати билан шуғулланишни қуйидагича ифодалайди:

“Сен ҳар қачон дунё оройишига алданиб, унинг жилвагар зийнатларига учма, нафсоний муроднинг талабларини фаромуш айлаб, жисму жонингга илакиши мумкин бўлган разил иллатлару бузук ҳаёл ва фосиқ фикрлардан ўзингни мосуво қил! Ва барча - барчага молу жонинг билан баб-баравар хизмат қилиб ва ҳеч кимга ножўя хизмат буюрмагил, тоат-ибодатнинг барча арконларига сидқидилдан риоя эт. Зоҳир ва ботинни хиралик ва қудуратлардан пок айлаб, ўзингни Оллоҳ йўлига тўла бағишла ва ҳаргиз юксак мансабу олий даража мақомотларга талабгор бўлма! Ва фақиру ғанийликда аҳволингда ҳеч қандай ўзгариш сезилмасин ва ҳаргиз шахсий манфаатларга берилиб сенга Қуръони Карим тиловати ила тоат-ибодат этмоқ малол келмасин” [6:4].

Шунингдек, бу асарда дилнинг поклиги ҳақида пок ва эътиқодли бўлиш, “зероки қора юрак, чиркин кўнгил бутун аъзойи баданни палид (ҳаром) қилгай!” дейилади [6:4].

Хўжаи Жаҳонга савол берадилар: “Дилнинг фароғати нимадан ҳосил бўлур?”. Абдуҳолик Гиждувоний дилнинг фароғати унинг тасфийи-яъни поклигидадир. Агар ул дилга дунё молидан заррае тамаъ бўлмаса, дил фароғатда бўлур, деб жавоб беради.

Умуман олганда доимий рвишда хожагон-нақшбандия таълимотида устивор ғоя ҳисобланган “Дил ба ёру, даст ба қор” биз учун жамиятда яшаш қондаси бўлиб қолади.

Мамлакатимизда маърифий исломни ривож-лантириш, буюк алломалар қадамжоларини обод қилишга қаратилган эътибор халқаро миқёсда тан олинмоқда. Хусусан, Ислом

хамкорлик ташкилотининг Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ташкилоти – ISESCO томонидан Бухоро шаҳри 2020 йилда Ислох маданияти пойтахти, деб эълон қилинди.

Муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев жойларда ижтимоий – иқтисодий ислохотларнинг бориши, амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари ва йирик лойиҳалар билан танишиш, халқ билан мулоқот қилиш мақсадида 2019 йилнинг март ойидаги Бухоро вилоятига ташрифини Абдуҳолиқ Гиждувоний ёдгорлик мажмуасида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари билан танишишдан бошлади.

Абдуҳолиқ Гиждувоний, Баҳоуддин Нақшбанд, Ориф Ревгарий, Али Ромитаний, Бобойи Самосий, Маҳмуд Фағнавий, Саййид Амир Кулол меъморий мажмуаларини ўз ичига олган “Етти пир” зиёратгоҳини замон талаблари даражасида реконструкция қилиш ва уларни боғловчи янги сайёҳлик йўналиши ташкил этиш бўйича кўрсатмалар берган эдилар.

Шунга мувофиқ, “Етти пир” зиёратгоҳларида кенг қўламли бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Жумладан, Абдуҳолиқ Гиждувоний мажмуасида янги масжид ва ёзги айвон, ҳазира ёдгорлиги ва зиёратгоҳ қошида меҳмонхона қурилмоқда, мажмуа атрофи ободонлаштирилмоқда.

“Китобда ўқиш бошқа, зиёрат қилиб, юракдан ўтказиб ўрганиш бошқа. Бу жой маърифат маркази бўлиши, одамлар ўзига илм олиб кетиши керак”[8:61сон] дея таъкидлаган эдилар Президентимиз. Бу масканларни обод қилиш билан бирга “Етти пир” ҳақида китоб яратиш, уларнинг илмий меросини тарғиб этиш зарурлиги таъкидланди.

Муҳтарам Президентимиз “Бундай маънавий хазина бошқа ҳеч қаерда йўқ. Бу хазинани мукаммал ўргани, одамларга, ёшларга осон тилда етказиш керак. Мақсадимиз ёшларимиз ўзимизнинг алломаларга эргашсин, меросини билсин, улар билан фахрлансин”, деб таъкидлаган эдилар [8:61 сон].

Хулоса қилиб айтганда, Абдуҳолиқ Гиждувоний таълимотида:

– инсон деган номга муносиб бўлиб жамият ҳаётида фаолият кўрсатиш ҳам диний, ҳам дунёвий нуктаи назардан фарз эканлиги;

– инсон ақл, заковат, кучли ирода, ҳиссиёт, сезгилар, нутқ соҳиби сифатида жамиятни бошқариши;

– инсон руҳий жиҳатдан боқий яшаш учун бу дунёдаги ҳаётдан фойдаланиши лозим,

маънавий жиҳатдан юксалиши, тараққий этиши кераклиги;

– инсон хилват, холи, кимсасиз жойда яшаш эмас, жамиятда бўлиб, покланиш, софланиш воситаси билан руҳий бойлик, мангу ҳаётга ўтиш мумкин;

– барча мусулмонларнинг вазифаси ижтимоий ҳаётда барча инсонларга, айниқса бева-бечораларга меҳрибонлик қилиш, муҳтожларга ҳар томонлама қўмаклашиш, уларнинг оғир ҳаётини енгиллаштириш, ожизу заифларга шафқатли, ғамхўр бўлиш, эҳсонли бўлишни, яшашида яхшилик қилишни, хайрли аъмолни содир этишни ўз олдига асосий маънавий-ахлоқий мақсад қилиб қўймоғи лозим;

– доимо жамиятга хизмат қилиш, уларнинг оғирини енгил қилиш қўлдан келмаса, зарар ҳам келтирмаслик; барчага яхшилик қилиш, хайрли амолли бўлиш йўли билан маънавий-ахлоқий ҳаётни юксалтириш, ҳақиқий инсоний фазилат эканлиги қабилар буюк мутасаввиф тариқатининг маънавий негизи ҳисобланади.

ФОЙДАЛАНГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Абдуҳолиқ Гиждувоний. Васиятнома. – В.176а.
2. Абдуҳолиқ Гиждувоний. Мақсад ас – солиқин. –Б.17.
3. Абдуҳолиқ Гиждувоний. Маслак ал орифин. – В. 176.
4. Болтаев М.Н. Хужа Абдуҳолиқ Гиждувоний инсондўст ҳақим – рифъат шайх. Бухоро. 1994 йил.
5. Султон И. Баҳоуддин Нақшбанд абадияти. – Т.: Ўз.Р.ФА. Фан. 1994 йил –Б. 30-31.
6. Хожа Муҳаммад Ориф ар Ревгарий. Орифнома. Форс – тожик тилидан Садриддин Салим Бухорий, Исроил Субҳоний таржимаси. – Т.: Навруз. 1994. – Б. 4.
7. Хожа Юсуф Ҳамадоний. Одоб тарикат. Тошкент. “Movarounnahr”, 2018.
8. Халқ сўзи. 2019 йил 30 март 61-сон.
9. Акимускин О. Ал-Гиждувани. Ислам. Энциклопедический словарь. –Москва: Наука,1992.
10. Березиков Е. Хожалар аҳлининг хожаси. Шарқ юлдузи.1992й.№10.
11. Бертельс Е.Э. Суфизм и суфийская литература. – Москва: Наука, 1965.